



ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2006 йил, 14 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 30 (10.587)

Баҳси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ
Бир кун
Янгиликлар, воқеалар

ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 13 ФЕВРАЛЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ФЕДЕРАЛ МАЖЛИСНИНГ ДАВЛАТ ДУМАСИ РАИСИ БОРИС ГРИЗЛОВНИ КАБУЛ ҚИЛДИ.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россиянинг ҳамкорлик алоқалари иттифоқчилик муносабатларига мос равишда изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

— Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик юксак даражада ривожланиб бораётди, — деди Ислам Каримов. — Алоқаларимиз икки мамлакат манфаатларига бирдек мос келади. Сўнги вақтда ўтказилган учрашувлар, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлигини ўзаро манфаатдорлик асосида ривожлантириб бораётганидан далолатдир.

Таъкидламоқ лозимки, ўзаро муносабатларни ривожлантиришда икки мамлакат парламентларининг алоқалари ҳам алоҳида ўрин тутмоқда. Б.Гризовнинг Ўзбекистонга ташрифи бу

нинг яна бир тасдиғидир. Мазкур ташриф мамлакатларимиз олий қонун чиқарувчи органлари йўналишида ҳам ҳамкорлигини янада юксалтириш борасида амалий ишга киришилганидан далолатдир.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида Ўзбекистон — Россия муносабатларининг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш ҳамда мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши муносабати билан ушбу тузилма доирасида амалга оширилиши лозим бўлган шартномавий-ҳуқуқий жараёнлар билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Б.Гризов самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРГАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ФЕДЕРАЛ МАЖЛИСНИНГ ДАВЛАТ ДУМАСИ РАИСИ Б.ГРИЗЛОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ СПИКЕРИ Э.ХАЛИЛОВ БИЛАН УЧАРАДИ.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашу-

ларида имзоланган ҳужжатлар бу борада муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди. Айниқса, ўтган йилнинг ноябрь ойида имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғри-

сидаги шартнома ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқиш учун мустаҳкам асос бўлди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги парламентлараро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Тоғонлар ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжудлигини қайд этиб, истиқболда бу йўналишдаги алоқаларни янада фаоллаштиришга келишиб олдилар.

Б.Гризов Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиб киришини муҳим воқеа деб баҳолади. Парламентлараро алоқалар ушбу ташкилот доирасида ҳам муваффақиятли давом этишига ишонч билдирди.

МАРКАЗИЙ ОФИЦЕРЛАР САРОЙИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ, ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ОЛИЙ БОШ ҚЎМОНДОНИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ОЛДИГА ҚЎЙИЛГАН МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Мудофаа вазирлиги, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Р.Мирзаев бошқарган тадбирда мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Бунда ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий тарбиясига қаратилган

МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

доимий эътибор муҳим омил бўлмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, армиянинг куч-қудратини тўла номён этиши учун аввало ҳарбийларимиз, аскар ва офицерларимиз - Ватан ва халқ ўз ҳаётига ишониб топширган мард ўғлонларимизнинг маънавий-маърифий тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш энг долзарб вазифалардандир.

Президентимиз жорий йилда Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида бу борадаги муҳим вазифаларни аниқ белгилаб берган эди. Хусусан, ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида унинг ўз фикри, атрофида кечаётган воқеаларга дахлдорлик тўғрисида мустаҳкамлаш, юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларни, фаол ҳаётий позицияга эгалик ва ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашга эътибор янада кучаймоғи керак. Бу ўта му-

ҳим масала - армиядаги хизматни, барча бўғиндаги командирлар фаолиятини баҳолашда асосий мезон бўлиши лозим.

Тадбирда мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари - Куролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи генерал-майор В.Маҳмудов, мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник М.Аҳмедов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири А.Орипов, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Қ.Аъзамов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев ва бошқалар давлатимиз раҳбари белгилаб берган мазкур вазифалар ижросини таъминлаш Қуролли Кучларимиз тизимида изчиллик билан олиб борилаётган туб ислохотларнинг асосини ташкил этишини алоҳида таъкидладилар.

Кайд қилинганидек, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлигини оширишда, ҳар қандай шариқта мустақил қарор қабул қила оладиган, интеллектуал салоҳияти юксак, маънавий етук ҳарбий кадрлар тайёрлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимини мустаҳкамлаш, барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларда тарбиявий ишларни кенг йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда, Қуролли Кучларни ислохот этишида давлат ва жамоат ташкилотлари, вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш лозим. Анжуманда бу борада амалга оширилаётган ишлар юзасидан қатор тақлифлар билдирилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Ў.А

ОБУНА ЙИЛ ДАВОМИДА

Азиз оқшомхон! Мана янги куч-ғайрат, эзгу орзу-умидлар билан Ҳомийлар ва шифокорлар йилига ҳам қадам қўйдик. Барча соҳалар қаторида "Оқшом" газеталари ҳам Янги йилдан янги руҳ, янги мазмун, янги шакл билан муштарийлар хонадонига кириб бормоқда. Тахририят аъзолари оқшомхонларнинг талаб-истакларидан келиб чиққан ҳолда ранг-баранг мавзудаги мақолаларни газета саҳифаларида ёритиб боришга ҳаракат қилмоқдалар.

Агарда газетамизга обуна бўлишга улгурмай қолган бўлсангиз, кунюманг, ҳамшаҳарларимизга қўлайлик яратиш мақсадида йил давомида "Оқшом"га обуна



бўлиш имконияти яратилган.

Сиз ҳоҳлаган вақтингизда шахримиздаги алоқа бўлимларига бориб ўзингиз севиб мутолаа қиладиган "Оқшом"га ҳеч қандай монеликсиз обуна бўлишингиз мумкин. Ишонтириб айтмамизки, қизиқарли, мазмунли, сизга манзур бўладиган янги руҳ

Тошкент ОҚШОМИ

ва мақолаларнинг ҳали "тахри" бузилгани йўқ, у сизларни қутмоқда. Бир сўз билан айтганда, обуна бўлишга шошилинг.

ШОИРНИНГ ТАВАЛЛУД КУНИДА

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 9 ФЕВРАЛИДА МОСКВАДА БУЮК ЎЗБЕК ШОИРИ ВА МУТАФАККИРИ АЛИШЕР НАВОЙИНИНГ ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ХАЗИНАСИГА ҚЎШГАН БЕБАҲО ХИССАСИГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ёзувчилар уюшмалари халқаро ҳамжамиятининг Ўзбек адабиёти бўйича кенгаши ва Ўзбекистоннинг Москвадаги элчихонаси томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда кўплаб таниқли ёзувчилар, фан ва маданият арбоблари, буюк шоир мухлислари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан нотиклар, хусусан, шоира О.Чернишева ва Г.Резниченко, Н.Корнилов сингари таниқли ёзувчилар Алишер Навоий ижодини янада чуқур ўрганиш масалалари, бу мەрсонинг ўсиб келаётган янги авлодни тарбиялашдаги аҳамияти тўғрисидаги фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Конференциядан сўнг тадбир иштирокчилари Добринин майдонидаги Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Музаффар ЗОХИДОВ,
«Жаҳон» АА муҳбири

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик, «Миллий тикланиш» демократик партиялари фракцияларининг навбатдаги йиғилишлари, Фидокорлар миллий демократик ҳамда «Адолат» социал-демократик партияларининг кўшма йиғилишлари бўлиб ўтди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида Вазирлар Маҳкамасининг «Жинойatchиликка қарши курашишда профилактика хизматининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги қарорининг ижросига бағишланган мажлис ўтказилди.

● Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «ВинтелКом» компанияси («Билайн» савдо белгиси) очик турдаги акциядорлик жамиятининг мамлакатимиз уяли алоқа тизимига кириб келишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда мазкур компания билан 1997 йилдан Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган «Юнител» ОАЖ олди-сотдиси бўйича музокаралар олиб борилганлиги ва «Юнител» ОАЖ 200 миллион АҚШ долларига сотилганлиги айтиб ўтилди.

● Навоий шаҳридаги «Ишонч-Гилам» ишлаб чиқариш савдо фирмаси раҳбари, тадбиркор Шокир Холназаровнинг ташаббуси билан гилам тўкиш корхонаси ишга туширилди. Корхонада Германияда ишлаб чиқарилган йигирув ва тўқуе дастгоҳлари ринартилиб, ишга қабул қилинган 30 нафар йигит-қиз хоразмлик мутахассислар кўмагида қасб маҳоратини оширди. Корхона жамоаси йил давомида истеъмолчиларга 10 минг квадрат метр гилам етказиб беришни мўлжалламоқда.

● Каттакўрғонда «Ингички-Метос» Ўзбекистон-Россия кўшма корхонаси фаолият бошлади. Ҳамкорликда очилган бу корхонада вольфрам техногени мавжуд чиқиндилар қайта ишланади ва қимматбаҳо тош олинади. Айни вақтда бу ерда 40 дан зиёд киши доимий иш билан таъминланди.

● Марғилон шаҳрининг Бурхониддин Марғиновий кўчасида янги академик лицей биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Миллий меъморчилигимиз андозалари асосида бунёд этилган ушбу муҳташам бино қурилишига 2 миллиард сўм маблағ сарфланди. Ҳатта қайта ўқув даргоҳида спорт зали, кутубхона, ошона, фан кабинетлари ва бошқа қўлайликлар мавжуд.

● Буёрий туманидаги қишлоқ хўжалик қасб-хуона коллежи Япониянинг Халқаро ҳамкорлик банки гранти асосида замонавий таълим ускуналари ва кўргазмали ўқув қуроллари билан жиҳозланди. Таълим муассасасида ана шу ускуналардан фойдаланишга бағишланган тақдирот маросими ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Москвада «катта саккизлик» давлатлари молия вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди. Вазирлар глобал иқтисодийни ривожлантириш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва жаҳон бозорида энергетика хом ашёлари нархларини мустаҳкамлашга алоҳида урғу беришди.

● Италия Президентини Карло Адзельо Чампи парламентни тарқатиб юборди ва сайловолди кампанияси бошланишини эълон қилди. Италия парламенти сайловлари 9 апрелда бўлиб ўтади. Сайловларда кураш асосан амалдаги Бош вазир Сильвио Берлусконни коалицияси ва Романо Проди бошчилигидаги сўлчилар коалицияси ўртасида кечиси қутилмоқда.

● Сербия полицияси Гага ҳарбий трибунали томонидан ҳарбий жиноятлар ва геноцидда айбланаётган собиқ Югославия армияси генерали Ратко Младичнинг яшириниб юришига ёрдам берганлиги айбланаётган, генералнинг ёрдамчиси бўлиб хизмат қилган Саши Баднярнинг қамоққа олинганини маълум қилди.

● Тинч океанининг жанубий қисмида жойлашган Токиало оролида алоҳида давлат сифатида мустақил бошқарув жорий этилиши юзасидан референдум ўтказилди. Агар орол аҳолиси мустақиллик учун овоз берса, курашмида яна бир кичик давлат пайдо бўлади. Ҳозирда Янги Зеландия бошқарувида бўлган оролда бор-йўғи 1,5 минг аҳоли яшайди.

● Америкалик Стив Фоссет тўхтовсиз узок масофага учиб бўйича жаҳон рекордини ўрнатди. У Virgin Atlantic GlobalFlyer тажриба самолётида 76 соат 45 дақиқа давомида 42 469 километр масофани босиб ўтди.

● Кеча Москвадаги «Пресса» ноширлик уйи бир неча соат давомида кучли ёнгин куршовида бўлди. Кўп марказий газеталар жойлашган ушбу бинода ёнгин «Комсомольская правда» газетаси тахририяти жойлашган еттинчи қаватда, тахминларга кўра электр тизимининг носозлигидан чиққан. Таъкидлаш жоизки ёнгин натижасида газетанинг барча тахминлар мавжуд ноёб архив ҳам қуйиб кул бўлган.

● Хитойда Ой тақвими бўйича Янги йил байрами фойсулар кунин билан якунланди.

ОБ - ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 15 февраль кунин Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёнгингарчилик бўлмайди. Шардан секундида 2-7 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-5, кундузи 15-17 даража иссиқ бўлади.

Эътироф

БОШ МАЙДОНИМИЗ ОЛДИДАГИ ҲАҚ

Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ўзбекистон халқ шоири

ҲАР ГАЛ МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАН ЁКИ УНИНГ ЁНИДАН ЎТАР ЭКАНМАН, ҚАЛБИМНИ ЭЗГУ ҲИСЛАР, ФАХРУ ИФТИХОР ТҮЙГУЛАРИ ЧУЛГАЙДИ.



Ҳар бир шаҳри азимнинг ўз бош майдони, марказий саждагоҳи бўлади. Биз учун шундай олижаноб маскан — Мустақиллик майдонимиз. Бу майдон фақат пойтахтнинггина эмас, балки бутун Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг бош майдонидир. У худди Байроғимиз, Гербимиз, Мадҳиямиз каби юртининг, диёрнинг рамзи, тимсолидир. Бу майдон бизнинг кўз ўнгимизда, Мустақиллик йилларида шаклланди, тобора янгича мазмун, янгича шакллар кашф этиб, ҳозирги кунга қадар тоғди. Буюк Мустақиллик ғояси унда, ҳар бир бино, ҳар бир яшил гўша, ҳар бир фаввора, ҳар бир беазада мижасам бўлиб, гўзал бир муносиблик билан кузларни қувонтиради. Кейинги йилларда барпо этилган Эзгулик


аркасини бу майдонга олиб кирадиган олтин дарвозага қиёс этсақ бўлади. Олпоқ мармардан қад ростлаган бу ғаройиб маъмурий қурилма худди парвозга шайланган олпоқ қушларни эслатади. У халқимизга хос бағрикенгликни, саховатни акс эттириб тургандай гўё. Мана шу ердан бошланган кенг йўлак бизни Мустақиллик ва Эзгулик монументига олиб боради. Мустақиллик ҳайкали неча йилларки, бизга қадрдон бўлиб, тасаввуримиз ва тафаккуримиздан теран урин олган эди. Унинг пойида ўрнатилган бахтиёр она ва бола ҳайкали худди тилло узукка кўндирилган жавоҳир кўздай жуда мувофиқ бўлиб тушди. Бу ҳайкал, яъни Мустақиллик ҳайкали Она ва Бола тимсоли билан бойиб ўз мантқий мукам-

маллигини қолдирмайди. У Мустақиллик, Ватан тимсолида вужудингизга оқиб киради. Энди мана шу майдон Президенти-мизнинг 2006 йил 3 февралдаги «Мустақиллик ва Эзгулик монументи тўғрисида»ги Қарори билан чинакам саждагоҳга айлантирилди. Эндиларда бу майдондаги ушбу монумент пойига азиз меҳмонларимиз, чет эллик дўстларимиз, хорижий делегациялар гуллар қўйиб, юртимизга бўлган энг яхши туйғуларини ихзор этадилар. Шунингдек, юртимиз тақдирини билан боғлиқ муҳим саналар, қасб байрамлари каби тантанали воқеалар ҳам ана шу монумент пойига гулдасталар қўйиб билан нишонланади. Шу майдоннинг сўлим бир гўшасидаги Мотамсаро она сиймоси ва бу ердаги гўят ўзбекона айвонларга ўрнатилган ёднома — китоблар саҳифаларига олтин харфлар билан ёзилган азиз, улмас фарзандлар номи ҳам абадийдир.

Майдонимиз янада такомиллашиб бормоқда. Қуёш нурида олтиндай товланувчи Ҳукумат уйи биноси, олпоқ-нуррашон Сенат даргоҳи, мухташам Тасвирий санъат галереясининг биноси, ниҳосига етказилаётган яна бир неча бинолар Бош майдонимизга янада кўрк бағишляжак.

Эзгулик аркасига боқиб, ўзим бориб кўрган тарихий дарвозаларни кўз олдимга келтираман. Уларнинг ҳар бири ўзига хос, доврғул меъморий гўзалликдир. Бизнинг «Эзгулик арка»миз халқимизнинг руҳидан, оқ кўнгиллигидан ҳосил бўлмиш кўркем бир қурилмаки, у дилларга қувонч, ифтихор бағишляйди.

Она — бу одамни ёратган зотдир. Она юрагини тушунмоқ осон, Ҳамиша ардоқлар эзгу ниятни. Фарзанд — юлдузларга шу сийна осмон, Шу қалбдир уйотган инсониятини. Хурсанд, мамнун ва масъуд Она киёфасига боқаман. Қанча меҳр, қанча саховат бор бу азиз киёфада! Унинг кўзлари, юзларидаги ним табассум боласи камолига ўзини бағишляшга шай турган мўътабар инсонни гавдалантиради. Ҳайкал ижодкори Онанинг бутун ички оламини, фидойилигини, самимиятини юзага олиб чиққан. Она худди ўз бахтидан сўзлаётгандай. Унинг ҳислари, қувончи, меҳри сизни асло бепарво



Онани қуёшга этурман қиёс, Аммо она меҳри ундан зиёддир. Офтобку оламини ёритгани рост, Она юрагини тушунмоқ осон, Ҳамиша ардоқлар эзгу ниятни. Фарзанд — юлдузларга шу сийна осмон, Шу қалбдир уйотган инсониятини.

Хурсанд, мамнун ва масъуд Она киёфасига боқаман. Қанча меҳр, қанча саховат бор бу азиз киёфада! Унинг кўзлари, юзларидаги ним табассум боласи камолига ўзини бағишляшга шай турган мўътабар инсонни гавдалантиради. Ҳайкал ижодкори Онанинг бутун ички оламини, фидойилигини, самимиятини юзага олиб чиққан. Она худди ўз бахтидан сўзлаётгандай. Унинг ҳислари, қувончи, меҳри сизни асло бепарво

Иқтисодиёт

ЎЗ ЎРНИГА ЭГА

ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН КАТТА КОРХОНАЛАР ОРАСИДА «АГРЕГАТ ЗАВОДИ» ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ ЖАМОАСИНИНГ ЎРНИ БЎЛАКЧА. «ЎЗҚИШЛОҚМАШХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИГА КИРУВЧИ ЗАВОДЛАР ОРАСИДА МАЗКУР ЖАМИЯТ ЎЗ МАВКЕИНИ АНЧАГИНА ТИКЛАБ ОЛДИ.

— Кейинги 4-5 йиллар ичида, — дейди жамият бош директори ўринбосари Нуриддин Баратов, — корхонамиз цехларини реконструкция қилиш, эскирган дастгоҳ ва ускуналарни янги, хорижий замонавий дастгоҳ ва ускуналарга алмаштириш эвазига ишлаб чиқариш самарадорлигини сезиларли оширишга эришдик. Асосийси, ишчи-хизматчиларни катта бюртмалар ҳисобига доимий иш билан таъминламоқдамиз.

Мазкур заводда кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экиш, етиштириш, ишлов бериш, йиғиб олиш ҳамда уларнинг унмдорлигини ошириш мақсадларига хизмат қиладиган сифатли, рақобатбардош машина ҳамда уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Қувонарлиси, ишчи-хизматчиларнинг малакаси, мукамал технологиялар шарофати билан импорт ўрнини босувчи агрегат, редуктор, насос, машиналар ҳамда кўплаб турдаги эҳтиёт қисмлар тайёрланиб, бюртмачиларга ўз мuddатларида етказиб берилмоқда. Корхона тадбиркорларининг савий-ҳаракатлари, ички бозоримизни чуқур ўрганишлари, изланишлари боис кейинги йилларда янгидан-янги маҳсулотларнинг сони ортиб бормоқда.

Бундан ташқари, жамоа ахли бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни ҳам кенгайтирган — болажонлар учун велосипед, йиғма нарвонлар, телевизор учун столча, уй шароитида консервацияга мўлжалланган мослама каби кўплаб харидорғир маҳсулотлар мижозларни мамнун қилмоқда.

Хунари гўзаллар

БЕБАҲО, НОЁБ МАҲСУЛОТЛАР

ЮРТИМИЗДА БАРЧА ҚАСБЛАР ШАРАФЛИ ХИСОБЛАНДИ, АЙНИҚСА ХУНАРИ ГЎЗАЛЛАР — ХУНАРМАНДИ УСТАЛАРНИНГ МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТЛАРИ ҲАМИША ЭЪЗОДА.

Кўплаб кўрик-танлов, хорижий ярмаркаларда ижодий асарлари билан қатнашиб келаётган лок миниатюраси рассоми, уста хунарманд Ҳасан Исоқжонов 20 йилдан ортиқ вақтдан буюн Ўзбекистон Бадий академиясига қарашли Республика йосунчилиқ коллежида сеҳрли ҳамда мафтункор ижод йиллини танлаган ёшларга касбининг назик сир-асрорларини ўргатиб келмоқда.

Эътиборли томони, кўрган кўзларни хайратга солувчи гўзал маҳсулотлар — лавҳ, 12 турдаги ҳар хил ҳажмли қутчалар, хонтахта, олма ёдгорлик буюмлари моҳир, қўли гул устанинг бедор тунлар, ором билмай ижод қилган кунлари, қасбига алоҳида меҳр-муҳаббатнинг рамзи ҳисобланади. Камб кўри қўшилиб тайёрланган ноёб маҳсулотлари нафақат юртдошларимизни, балки кўплаб хорижликларни ҳам мафтун қиладигани умидли шоғирдларига илҳом бағишлямоқда.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Санъат

ФИЖЖАК ТАРОНАЛАРИ

“СЎҒДИЁНА” ДЕБ НОМЛАНГАН ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛГУ ОРКЕСТРИ УЧУН 2005 ЙИЛ САМАРАЛИ КЕЧДИ. ЎЗИНИНГ БОЙ РЕПЕРТУАРИГА ЭГА БЎЛГАН БУ ИЖОДИЙ ГУРУҲ ГАСТРОЛЛАРИ ҲАМ МУВАФФАҚИЯТЛИ БЎЛДИ.

Оркестрнинг навбатдаги концерт дастури “Торли серенада” деб номланди. У машҳур рус композитори Чайковскийнинг энг яхши камер асарларидан ташкил топди.

Ўзбек миллий чолгу асбоби ҳисобланмиш фижжакда ижро этилган куйлар муҳлисларга завқ-шавқ бағишляди. Бу концерт истеъдодли санъаткор Улуғбек Имомов дирижёрлигида тақдим қилинди.

ГРАН-ПРИ СОҲИБИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИДА “НОТИҚЛИК САҲНАТИ” РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ЯҲШИ АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ. БУ САФАРГИ КЎРИКА ҲАМ ЯХШИ ТАЙЁРГАЛИК КЎРЎЛДИ.

Тошкентдаги корейск ўқув маркази фаоллигида ташкил этилган бу билим ва ижрочилик маҳорати беллашувида чет тилларни пухта эгаллаётган иқтидорли ёшлар ўзларини кўрсатдилар.

Тошкент Давлат педагогика университетининг истеъдодли талабаси Надежда Ни танловнинг Гран-при мукофотини қўлга киритди. У энди имтиёзли йўланма билан Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрига бориб келади.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаси Татьяна Пак эса совринли биринчи ўрин соҳиби бўлиб, замонавий компьютер қурилмаси билан тақдирланди.

“ЗУМРАД ВА ҚИММАТ” САҲНАДА

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАГИ “ЗУМРАД ВА ҚИММАТ” АЙНИҚСА БОЛАЖОНЛАР ТОМОНИДАН СЕБИВ ТИНГЛАНАДИ. БУ ҚИЗИҚАРЛИ ФОЛКЛОР АСАРНИНГ САҲНАВИЙ ТАЛҚИНИ ҲАМ КЕНГ ОММАЛАШМОҚДА.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети саҳнасида япон тилида олиб чиқилган “Зумрад ва Қиммат” спектакли ҳам томошабинлар томонидан яхши қўтиб олинди. Бу саҳна асарини олий ўқув юртида, япон тилини пухта ўрганаётган иқтидорли талабалар ижросида янада жозиба касб этди.

Гап шундаки, мазкур олий ўқув юртида Япония маданияти кўни уюштирилди. Ана шу тадбир дастури доирасида “Зумрад ва Қиммат” постановкаси япон тилида юзага келди.

ИЖОДИЙ АРМУҒОН

ЖАҲОН МАДАНИЯТ ЖАМОАТЧИЛИГИ МАШҲУР КОМПОЗИТОР МОЦАРТ ТАВАЛЛУДИНИНГ 250 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАМОҚДА. БУ САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА ҲАМ ҚАТОР ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театри эса ўз репертуарини ана шу атоқли композитор асарлари билан бойитди.

Моцарт даҳосига бағишланган янги саҳна асари эса “Театр директори” деган ном билан постановка қилинади. Санъат қошонаси бу санага бағишляб яна бир операни тайёрлади. Моцартнинг “Фигаронинг ўйланиши” деб номланган бу асарни яқин кунлар ичида томошабинлар эътиборига ҳавола қилинади.

Ақбар АЛИЕВ

Транспорт

ЯНГИ ПОЕЗДЛАР ЙЎЛОВЧИЛАР ХИЗМАТИДА

Ғилон орқали ўтиб эртасига 11.05 да Андижонда бўлади. Андижондан эса шу кун соат 16.45 да қайтади ва эртасига эрталаб соат 9.20 да пойтахтга етиб келади.

Шунингдек, йўловчилар оқими кўпайгани учун водийга қўшимча 656-655-Тошкент-Андижон поезди катнови ҳам йўлга қўйилган. У ҳафтанинг тоқ кунлари қатнамоқда.

Яна январь ойининг охириларидан пойтахтимизда қўшимча 58-57-Тошкент-Урганч поезди ҳам қатнамоқда.

Катновларда яна бир муҳим ўзгариш юз берди: шу йилнинг 1 февралидан Тошкентдан Самарқандга катновчи 1-2 тэюрар «Регистон» поездининг катнови ҳам ҳар кун йўлга қўйилди. У

эрталаб соат 7.00 да Тошкентдан жўнайдди ва шу кун 17.00 да Самарқанддан ортага қайтади.

Шунингдек, Тошкентдан Ангренга қатновчи поезд ҳам 25 январдан эрталаб йўлга чиқиб, шу куннинг ўзида кечкурун Тошкентга қайтиб келадиган бўлди.

Янги замонавий Тошкент вокзалида йўловчилар учун барча шароитлар муҳайё. Поездга чиқиш ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам қулай. Вокзалда йўловчилар учун замонавий кўтиш заллари ва буфетлар ишлаб турибди.

Поездларда ҳам йўловчиларнинг дам олиб кетишлари учун барча шароитлар бор. Уларга малакали йўл қузатувчилари хизмат кўрсатмоқда.

Адҳам ДАМИНОВ

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА МУҲИМ ЮРИДИК ҲУҶЖАТ — ЖАМОА ШАРТНОМАСИ КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА.

Касаба

Уюшмаларида

ДАВР ҲАМКОРЛИКНИ ТАЪЛАБ ЭТАДИ

Давр меҳнаткашларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, корхонани ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришда касаба уюшма етакчилари ҳамда фаолларининг ҳуқуқий жиҳатдан саводхон, иқтисодий масалаларда эса билимдон бўлишини талаб этмоқда.

Шу хайрли мақсадни амалга ошириш йўлида долзарб мавзулар буйича режа асосида касаба уюшмалари шаҳар ташкилотларида мутахассислар иштирокида касаба уюшма машғулотлари ташкил этилган. Кунни кеча Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда “Ўзметсабазавотузмасаноатхолдинг” компанияси биносида жамоа шартномаларини тузиш, экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш мавзулари буйича касаба уюшма ўқув машғулотлари бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчиларининг диққат-эътибори Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV қурултоида сўзлаган нутқида билдирилган фикр-мулоҳазалар, касаба уюшмалари фаолиятидаги долзарб вазифаларни амалга оширишга қаратилди.

(Ўз мухбиримиз)

БЕРЛИНДА «ОЛТИН КАМЕРА» ТАҚДИМОТИ

GERMANYA POYTAHTIDA «BERLINALE» XALQARO FESTIVALI OCHILISHI OLDIDAN «AKSEL'Y SHPRINGER FERLAG» NASHRIYET UYIDA 41- MАРОТАБА «ОЛТИН КАМЕРА» МАХСУС МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ.

Германиянинг телевидение соҳасига ихтисослашган “Хёрцу” хафталик журнали томонидан таъсис этилган мазкур мукофоти топшириш маросимида дунёнинг қатор кино ва эстрада юлдузлари иштирок этди.

Таомилга кўра, ғолибларни “Хёрцу” нашрининг ўқувчилари аниқлайди. Мукофот Германия почта хизмати, “Мерседес-Бенц”, “Кёниг Пильзенер” ва бошқа йирик компаниялар ҳомийлигида таъсис этилган. Германиянинг ЦДФ телекомпанияси мазкур анжуманга ахборот кўмагини кўрсатди.

Айтиш жоизки, “Олтин камера” мукофоти нуфузли халқаро совринлардан бири ҳисобланади. Унга берлинлик Вольфрам Век асос солган. “Олтин камера” мукофотининг андозаси Германияда 1936 йили

ўтказилган ёзги Олимпиада уйинларини тасвирга олишда ишлатилган, дунёдаги биринчи электрон камера — “Фарнсворт”дан олинган. “Хёрцу” таъсис этган ушбу мукофот 18 қаратли, баландини 25 сантиметр, оғирлиги эса 600 граммга тенг бўлган стерлингли кумушдан ясалган.

Совриннинг тарихи ўтган аср 60-йиллар ўрталарига бориб тақалади. 1965 йили телевидение энди тараққий эта бошлаган кезлари “Хёрцу” тележурнали телевидение соҳаси ривожига салмоқли ҳисса қўшаётганларга махсус мукофот топшириш ташаббуси билан чиққан эди. Уша пайдан буюн мукофотни ҳар йили тантанали равишда ўз эгасига топшириш анъанага айланиб қолган.

Германия вакиллари-

дан ташқари дунёнинг бошқа мамлакатларидаги музыка, кино ва спорт «юлдузлари», масалан, Брюс Уиллис, Голди Хоун, Дастин Хоффман, ака-ука Кличко ва бошқалар «Олтин камера» мукофотининг совриндорлари бўлишган.

Бу галги тадбирда ғолиблар 11 йўналиш буйича тақдирланди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ички қисмга ажратилган Германия пойтахтида яшаган берлинликлар ҳаёти акс этган «Ҳаво кўприги» бадийи фильми «Энг яхши немис кинофильми», деб тан олинди.

Шунингдек, немис кино юлдузлари Барбара Рудник, Ульрих Ноетен ҳамда Чарлизе Терон (ЖАР), Руди Каррелл (Голландия) ва Лотин Америкасининг “The Pussy Cat Dolls” маданий гурухи «Олтин камера» мукофотига лойиқ, деб топилди.

Махмуд БОБОНАЗАРОВ, «Жаҳон» АА мухбири Берлин



Ёшлар компьютер сабоқларини зўр иштиёқ билан ўрганишмоқда.

Диққат, янгилик!

ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАРГА СТИПЕНДИЯ

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ “ЎРИҚЗОР” МАҲАЛЛАСИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ЎҚУВ-ДАВОЛАШ-МАСЛАҲАТХОНА МАРКАЗИ УЧТЕПА ТУМАНИ АҲОЛИСИГА ЯХШИ ТАНИЛИБ ҚОЛДИ.

Даволаш-профилактика қурилмалари билан тўла жиҳозланган бу марказ ўзининг махсус лабораториясига ҳам эга бўлди. Унда болалар хасталикларини аниқлаб, ташхис қўйиш йўлга қўйилди. Турли тери касалликлари муолажаси ҳам амалга оширилмоқда.

Марказ “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” дастури буйича ибратли ишга қўл урди. Тумандаги 312-мактабда биология, кимё ва физикадан аъло баҳоларда ўқитган иқтидорли толиби илмлар учун махсус стипендия таъсис этди.

Анвар ҒАНИЕВ



№ 1163 Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитасининг саҳифаси

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ЭНГ МУҲИМ ҚОИДА ВА ЙўНАЛИШЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида: «ЕР, ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ, СУВ, ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ ҲАМДА БОШҚА ТАБИИЙ ЗАҲИРАЛАР УМУМИЙ БОЙЛИҚДИР, УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУР ВА УЛАР ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИДАДИР»,- ДЕБ КўРСАТИЛГАН.

Шундай экан табиати муҳофазаси қилиш, экологик талабларга ҳар доим риоя этиш ва экологик ҳалокатларнинг олдини олиш мустақил давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий масаласи бўлибгина қолмай, балки экологик сийбати асосига айланиши лозим. Чунки



ИНСОН УЧУН УНИНГ САЛОМАТЛИГИДАН ҚАДРЛИРОҚ НАРСА БЎЛМАСА КЕРАК. САЛОМАТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ, УНИНГ ҚАДРИГА ЕТИШ ЭНГ АВВАЛО ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ. АТРОФ-МУҲИТНИНГ ТОЗАЛИГИ, ҲАВОНИНИ БЕҒУБОРЛИГИ СОҒЛИҚНИНГ УЧУН КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА.

ТАБИАТНИ АСРАШ — ИНСОННИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДЕМАКДИР

Атрофимизга бир назар ташласак, бунга нечоғли амал қилаётганлигини кўрамиз. Табиати муҳофазаси қилиш инсонни муҳофазаси қилиш демакдир. Шу боис ҳам табиат ва инсон ўртасидаги боғлиқлик масаласи бугунги кунда улкан ҳолатга эришди. Аммо она табиатга бўлган бугунги муносабатимизни қандай баҳолашимиз мумкин. Олтин куз фасли келиб, атроф-муҳитга ўзининг олтин либосини кийгазди. Сунг қилишни қайраб қиш келади. Табиийки, шаҳримиздаги кўп қаватли уйларнинг томини битум билан таъмирлаш ишлари бошлана-

ди. Қурилиш ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёқилги моддалар ва бинокорлик материалларини тўплаш, махсус техник қурилмасиз очик аланга олдириб уларни ёқиб юмушлари амалга оширилади. Битум эритишда атмосфера ҳавосини муҳофазаси қилиш талабларига риоя қилмаслик ҳолатлари 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган "Атмосфера ҳавосини муҳофазаси қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 24-моддасига зиддир. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг атмосфера ҳавосини муҳофазаси қилиш борасидаги ўз мажбуриятларини бажармаган-

ҲОЗИРГИ ДАВРДА БОЛАЛАРИМИЗ ОНГИДА КУНДУЗГИ ЁРИТУВЧИ ЛАМПАЛАРНИНГ ЗАРАРИЛИ ТЎҒРИСИДА УМУМАН МАЪЛУМОТ Йўқ. БИНОБАРИН, УЛАР БУ ЛАМПАЛАРНИ СИНДИРИШДАН ҲАМ ҚўРҚМАЙДИЛАР.

САЛОМАТЛИГИМИЗ ЎЗ КўЛИМИЗДА

Ҳозирда ирсий касалликларнинг авлоддан-авлодга ўтиши, ёшларнинг тишлари, сочлари тўқилиши ҳам маълум маънода шу сабабдир. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра симоб захарлилик даражаси энг юқори зарарли моддалар қаторига киритилган. Симоб инсон организмиде тўпланиб, асаб тизимига, миёга таъсир кўрсатади, жигар ва ошқозон-ичаклар фаолиятини издан чиқаради. Атроф-муҳитдаги вазият оғирлашгач, си-

моб буги органик моддалар, металллар, масалан мис билан бирикми бунинг оқибатида унинг организмга бўлган таъсири кучаяди ва ёмон генетик оқибатларга олиб келади. Агар хонада битта люминисцент лампаси синса, муайян вақт ўтгач, симоб буги концентрациясининг организмга зарарли таъсири 20 баробар ошади. Шамоллатиш билан хонадаги симоб таъсирини камайтириб бўлмайди, чунки у фаол сезувчанлик хусусиятига эга, кўпинча мате-

“Турк адабиёти тарихи” деб номланган илмий тўплам босмадан чиқди. Кўҳна адабиётнинг XIII-XVIII асрларга доир ижод намуналари ҳақида ҳикоя қилувчи бу янги нашр таниқли туркшунос олим Адхамбек Алимбековнинг кўп йиллик илмий изланиш маҳсули сифатида тақдим этилди.

Маънавият

Янги нашр

Тўпламда турк халқ оғзаки ижоди тўғрисида атрофлича маълумот берилган. Шунингдек турк адабиётининг “Олтин даври” сўз санъаткорларига бағишланган қисми ҳам қизиқчи билан ўқилади.

Янги тўплам турк ва ўзбек мунотоз адабиётларини қиёсий ўрганишда ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ақбар йўлдошев

Катра

МЕҲР ОЛОВИ

Қор ёғаяпти. Соғинган дўстим билан “ғарч-ғурч”лаб одимлаймиз. — Совуқ ҳам секин чимчиляпти? — дейди сўхбатдошим пальтосининг ёқаси билан кулогини беркитиб. — Бу совуқ совуқми? Сибир ва Камчаткада ҳарбий хизматда бўлганимда туфлаган тупугимиз ерга яхлаб тушарди. Яна қанча совуқларни кўрмади бу бош. Аммо бошқача бир совуққа қолганда чидаб бўлмаяпти, — юрагим орқамга тортиб, хўрсиниб қўяман. — Чукотка ё Тундраникими? Совуқнинг энг зўри ўша ерда-ку. — Айтаюқ, — дегандай менга боқди дўстим. — Агар 60 даража совуқ бўлгандаям ўзимни олдирмай,

ни сақлаш учун, республиканинг самарадорлиги ва барқарор иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш:

- Жонли табиатнинг турларини сақлаб қолиш;
- Экологик тизимлару ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш;
- Экологик хавфсизликни таъминлаш;
- Табиат объектлари билан боғлиқ маданий меросни асраб қолиш.

Табиати муҳофазаси қилиш мақсадларига эришиш учун давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари, вазирликлар ва корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермерлик ва ширкат хўжалиқлари, шунингдек айрим шахсий хўжалиқлар ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида қуйидаги қоидаларга риоя қилишлари керак:

- Инсоннинг яшаш муҳити бўлган биосфера ва экология тизимлари барқарорлигини сақлаб қолиш.
- Одамларнинг экологик жиҳатдан хавфсизлиги, инсон ва унинг келгуси авлодлари инстик фонди ҳақида ғамхўрлик қилиш.
- Фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқувининг мавжудлиги.
- Жамиятнинг экологик, иқтисодий, ижтимоий манфаатларини илмий асосланган ҳолда уйғунлаштириш.

- Табиати муҳофазаси қилиш соҳасида миллий, минтақавий ва халқаро манфаатларни уйғунлаштириш.
- Экологик экспертиза ўтказишнинг мажбурийлиги.
- Табиатдан оқилона фойдаланишни ва табиати муҳофазаси қилишни рағбатлантириш.
- Табиий ресурсларни тиклаш зарурлиги, атроф табиий муҳит ва инсон сийхат-саломатлиги учун зарарли, тиклаб бўлмаб оқибатларга йўл қўймаслик.
- Табиати муҳофазаси қилиш вазифаларини ҳал қилишда ошқоралик.
- Табиати муҳофазаси қилиш қонунлари талабларини бузганлиги учун жавобгарлик каби масалаларга жиддий муносабатда бўлишдан иборат.

Мамлакатимизда атмосфера ҳавосини муҳофазаси қилишнинг долзарблиги, унинг ифлосланишининг олдини олиш масалаларига катта эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Табиати муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги ҳамда 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Атмосфера ҳавосини муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги қонунлар мазкур масалаларга ҳуқуқий асос қилиб олинган. Шунингдек, «Атмосфера ҳавосини муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги қонун бу борадаги давлат бошқаруви, стандартлар ҳақидаги маълумотлар, атмосфера ҳавосидан фойдаланишни чеклаш каби вазифаларни ўз ичига олади.

Д.СУЛТОНОВА,
давлат ноziри

ЭКОЛОГИЯ КунДАЛИГИ

- Юнусобод туманидаги «Шодлик 2-коммунал» ширкати раиси Н.Худойёрхўжаев 9-ўй ёнида йилгилиб қолган барглари ёқиб юборганлиги сабабли 47000 сўм жарима тўлайдиган бўлди.
- Юнусобод туманидаги «Намуна коммуналчи» УЖМШ аъзоси А.Пўлатов рухсатсиз бир дона тол дарахтини кесганлиги учун 9400 сўмлик жаримага тортилди.
- Чилонзор туманидаги «Геотехбутиш» очик акциядорлик жамиятининг базаси бошлиғи А.В.Тян ярқисиз лампани утиллаштирмаганлиги учун 10000сўм жарима тўлайди.
- Учтепа туманидаги «Кимёномадан геология-сервис» очик акциядорлик жамияти хўжалик мудири Б.Ҳақимхўжаев жамият худудидаги маиший чикиндиларнинг утиллаштирилмаганлиги учун 9400 сўмлик жаримага тортилди.
- С.Раҳимов туманида жойлашган «Саноатэнерго» корхонасининг цех бошлиғи Б.Муратов корхонанинг 3-бўлимида маиший чикиндиларнинг бетартиб ҳолда эканлиги туфайли ўз киссасидан 9400 сўмлик жаримани санаб берадиган бўлди.

Шифобахш неъматлар ШОЛҒОМ

ШОЛҒОМ

БУТАГУЛЛИЛАР ОИЛАСИГА МАНСУБ БЎЛИБ, ИККИ ЙИЛЛИК ИЛДИЗМЕВАЛИ САБЗАВОТ ЎСИМЛИГИДИР. ШОЛҒОМ БИРИНЧИ ЙИЛИ БАРГЛИ ПОЯ ВА ИЛДИЗМЕВАЛИ ҲОСИЛ БЕРАДИ, ИККИНЧИ ЙИЛИ ЭСА УНИНГ УРУҒИ ОЛИНАДИ.

Гули тўрт бўлакли бўлиб, шингилсимон тўпғулга йилган. Ўсимлик четдан чангланади. Меваси — кўзюк, думалоқ япаски, оқ, қизил, бинафша ранг бўлади. Уруғлари думалоқ, майда. Ўсимликнинг илдизи олди барглари лира кўринишига эга, ранги заъфаран-яшил, усти ўсимталар билан қопланган бўлади, поянанинг юқори қисмидаги барглари бандис жойлашади.

Абу Али ибн Сино шолғомнинг ўртаси ўйилиб, мум ва гулмоли солиниб кўрда кўмилгани билан тери касалликларини, совуқдан пайдо бўлган яра ва ёрилишларни даволаган. Қайнатиб пиширилган шолғомни кўркак қафасини ва томоқни ошматшида ишлатган. Шолғомни гўшт билан қайнатиб истеъмол этилса, кишига мадор, кўзга фойда бериши ҳақида маълумотлар келтирилган. Шолғомдан халқ табиотида ўпка, нафас йўли касалликларида, иситма банд, юрак безовта бўлганда фойдаланилади. Унда сийдик ҳайдаш, жароҳатларни тузатиш ҳамда антисептик, оғрик қолдирувчи хусусиятлар ҳам мавжуд. Шолғомнинг қайнатиб пиширилгани ҳамда унинг шарбати бронхит астма, кўксас касаллигида қаттиқ йўтал пайдо бўлганда, ўткир ларингитда, шамоллаш натижасида овоз йўқолганда, уйқусизликда фойда беради.

Ўй шароитида шолғомдан дори тайёрлаш учун 2 ош қошиқ майдаланган шолғом устига бир стакан қайноқ сув солиб, 15 дақиқа давомида қайнатилади ва ундан чорак стакандан ичиб турилади. Бир стакан бундай қайнатма уйқу олдида истеъмол қилинса тинчлантирувчи дори вазифасини ўтайди. У билан гаргара қилинса томоқ ва тиш оғриғига даво бўлади. Пиширилган шолғом бутқасини подгра билан касалланган ҳоиларга боғлаб қўйилса, ижобий натижа беради.

Ўзбекистон шароитида шолғомнинг Наманган ва Самарқанд навлари кенг кўламда экилади. Шолғом уруғлари июль охири ва август бошларида экилади. Унинг вегетация даври 70-80 кун ҳисобланади. Уруғи туپроқ ҳарорати 4-5°Сда бўлганда униб чиқади. 20-25°С яшии ривожланади. Ўсимлик намликни севади.

ликларидан даполат беради, яъни чикиндиларни чиқариш ҳамда уларнинг зарарли физикавий таъсирини камайтириш чора-тадбирларининг кўрилмаганлигини кўрсатади. Бундай ҳолатлар шахримизнинг уй-жой мулкдорлари ширкатларида қайтарилмаслигини, қонунбузарликка йўл қўйилмаслигини истар эдик.

Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитасининг назорати атроф-муҳитга етказилган зарарни амалга айландириб, бундай ҳолатларга барҳам бериш билан кифояланмай, экологик соҳа бўйича тарбиявий тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларини олиб боришни ҳам йўлга қўйишган. Айниқса, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва маҳаллалар ҳамда мактабларда ўтказилган сўхбатлар ўз самарасини беради, деган умиддамиз.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси табиати муҳофазаси қилиш Давлат қўмитасининг Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари билан келишувига кўра 2003 йилнинг 1 майидан бошлаб мамлакатимизда атроф табиат муҳитини ифлослантирилганлик ва чикиндиларни нотўғри жойлаштирилганлик учун комиссия тўловларини жорий этиш тўғрисидаги махсус қарор қабул қилинган эди. Мазкур қарорга кўра, қайси идорага мансублиги, мулкчилик шакли ва хўжалик фаолиятидан қатъи назар атроф табиий муҳитини ифлослантирувчи ва чикиндиларни нотўғри жойлаштирувчи юридик шахслар табиий муҳитни ифлослантирилганлиги ва чикинди ташланганлиги учун компенсация тўловларини тўлайди. Компенсация тўловларининг ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунига-ча тўланиши белгиланган.

Бу қарорнинг шахардаги барча ташкилот, корхона ва муассасалар раҳбарлари томонидан ўз вақтида бажарилишини кўтиб қоламиз.

Экологик ҳуқуқбузарларни молиявий жиҳатдан жазолаш билан табиат аввалги ҳолига қайтмайди. Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссаломнинг ҳадисларидан бирида шундай ҳикматни ўқиймиз: «Аллоҳ ерни ва барча нарсаларни инсон учун яратди ва инсон учун бажардики, Аллоҳ яратган жонот, сув, ҳаво ҳаммаси соф ҳолда қолиши керак». Бу ерда қўшимча изоҳга ҳоҳат йўқ деб ўйлаймиз.

О.ТУРОБОВ,
давлат ноziри

Гули тўрт бўлакли бўлиб, шингилсимон тўпғулга йилган. Ўсимлик четдан чангланади. Меваси — кўзюк, думалоқ япаски, оқ, қизил, бинафша ранг бўлади. Уруғлари думалоқ, майда. Ўсимликнинг илдизи олди барглари лира кўринишига эга, ранги заъфаран-яшил, усти ўсимталар билан қопланган бўлади, поянанинг юқори қисмидаги барглари бандис жойлашади.

Абу Али ибн Сино шолғомнинг ўртаси ўйилиб, мум ва гулмоли солиниб кўрда кўмилгани билан тери касалликларини, совуқдан пайдо бўлган яра ва ёрилишларни даволаган. Қайнатиб пиширилган шолғомни кўркак қафасини ва томоқни ошматшида ишлатган. Шолғомни гўшт билан қайнатиб истеъмол этилса, кишига мадор, кўзга фойда бериши ҳақида маълумотлар келтирилган. Шолғомдан халқ табиотида ўпка, нафас йўли касалликларида, иситма банд, юрак безовта бўлганда фойдаланилади. Унда сийдик ҳайдаш, жароҳатларни тузатиш ҳамда антисептик, оғрик қолдирувчи хусусиятлар ҳам мавжуд. Шолғомнинг қайнатиб пиширилгани ҳамда унинг шарбати бронхит астма, кўксас касаллигида қаттиқ йўтал пайдо бўлганда, ўткир ларингитда, шамоллаш натижасида овоз йўқолганда, уйқусизликда фойда беради.

Ўй шароитида шолғомдан дори тайёрлаш учун 2 ош қошиқ майдаланган шолғом устига бир стакан қайноқ сув солиб, 15 дақиқа давомида қайнатилади ва ундан чорак стакандан ичиб турилади. Бир стакан бундай қайнатма уйқу олдида истеъмол қилинса тинчлантирувчи дори вазифасини ўтайди. У билан гаргара қилинса томоқ ва тиш оғриғига даво бўлади. Пиширилган шолғом бутқасини подгра билан касалланган ҳоиларга боғлаб қўйилса, ижобий натижа беради.

Ўзбекистон шароитида шолғомнинг Наманган ва Самарқанд навлари кенг кўламда экилади. Шолғом уруғлари июль охири ва август бошларида экилади. Унинг вегетация даври 70-80 кун ҳисобланади. Уруғи туپроқ ҳарорати 4-5°Сда бўлганда униб чиқади. 20-25°С яшии ривожланади. Ўсимлик намликни севади.

Сўранг, жавоб берамиз

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН! ЯНГИ ЙИЛДАН БОШЛАБ “Сўранг – жавоб берамиз” РўКНИ МАТЕРИАЛЛАРИ СИЗИНИНГ ИСТАЛГАН МАВЗУ ВА ЙўНАЛИШДАГИ САВОЛЛАРИНГИЗ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНАДИ. ЯъНИ ТАРИХ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН МАСАЛАЛАРИ БўЛАДИ, ТАБИАТ, САМОВИЙ МАВЖУДЛАР ВА ФАЗО ҲАҚИДА БўЛАДИМИ, СИЁСАТ, МАЪНАВИЯТ, МАДАНИЯТ, СПОРТ, ОКЕАН ВА ДЕНГИЗЛАР ҲАЁТИ БўЛАДИМИ, ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАСАЛАЛАРИМИ – ҲУЛЛАС, СИЗНИ НИМАЛАР ҚИЗИҚТИРСА, ШУЛАР БўЙИЧА ЖАВОБЛАР УШБУ РўКН МАЗМУН-МУНДАРИЖАСИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

МАРҲАМАТ, САВОЛЛАРИНГИЗНИ ЙўЛЛАНГ! БИЗ ЭСА, КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ВА МУТАХАССИС ОЛИМЛАРНИ ЖАЛБ ЭТГАН ҲОЛДА УЛАРГА БАҲОЛИ ҚУДРАТ ЖАВОБ БЕРИБ БОРАМИЗ. ЙўЛАЙМИЗКИ, ТУТАЁТГАН БУ ИШИМИЗ СИЗ АЗИЗ ПОЙТАХТЛИКЛАР БИЛАН АЛОҚАЛАРИМИЗНИНГ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНИШИГА ЁРДАМ БЕРАДИ.

ГЛОБАЛ ИЛИШ ҚАЁҚҚА КЕТДИ?

Кейинги йилларда матбуотда: «Сайёрамизда глобал илқлашув юз бермоқда. Бу кетишда Шимолий муз океани музлари эриб кетиб, дунёни сув босади», деган ваҳималар кўпайиб чоп этилганнинг гувоҳи бўлиб келаётгандик. Энди эса, нафақат Шимолий мамлакатлар, балки улардан анча жанубда жойлашган ўлкаларни қор уюмлари босиб қолмоқда. Ҳатто ўн йиллаб қор кўрмаган мамлакатларда ҳам қор ёғди. Ҳаво ҳарорати эса кейинги 20-30 йиллардан бери кўрилмаган даражада пасайиб кетди.

Ҳўш, мутахассислар ва журналистлар ваҳима қилган «глобал илқлашув» қаёққа кетди? Ё энди бутун дунёни совуқ ва муз қоплайдими?

Ё. Илҳомов,
Учтепа тумани.

Иқлим ўзгаришларини ўрганувчи мутахассислар, жумладан, Россия Бош геофизик обсерваторияси директори Валентин Мелешко мазкур ҳодисани шундай шарҳлайди:

— Ҳозирги совуқлар ва кўплай ёғаётган қорлар олимлар илғари сураётган глобал илқлашув назариясига мувофиқ эди эмас. Боз устига бугунги ҳодисалар шу назариянинг тўғрилигини бир қадар исботлайди ҳам. Утган асрнинг 50 – 60-йилларида Шимолий минтақаларда – 20...-25 даражали совуқлар ҳамма учун одатий ҳол эди. Ҳеч ким бундан саросимага тушмаган.

Сўнгги 30 йиллар мобайнида эса, Европа мамлакатлари, шу жумладан, Россиянинг Европа қисмида ҳам барча қишлар илиқ ўтаётганди. Кишилар бунга шу қадар кўникиб кетишгандики, илғарилари одатий бўлган совуқлар эндиликда ҳалокатли оқибатларни келтириб чиқарди.

В.Мелешко фикрича, об-ҳаво ва иқлим – булар бошқача тушуналмайдир. Агар январь ойининг ўртача ҳарорати қуриб чиқилмаган бўлса, сўнгги 50 йил давомида Шимолий ўлкаларда ҳаво ҳароратининг ўртача статистик кўрсаткичи 3-3,5 даражага кўтарилган. Ё шарининг барча қисмида шу вазиятни қузатиш мумкин.

Агар ҳақиқатдан ҳам глобал илқлашув жараёни кетаётган бўлса, бу илғилдек совуқлар яна такрорланиши мумкинми? Такрорланиши мумкин экан, лекин уни тобора камроқ кузатамиз...

ҚАНЧА СУВ ИЧИШ МУМКИН?

Ҳурматли тахририят!

Шифокорлар менга суяқликни кам ичишни тавсия этишяпти. Аммо сув, чойни кам ичадиган бўлсам қанча қанча қанча суви ичишим керак?

Қанча суви ичишим керак?

Гулнора Сариева,
Шайхонтоҳур тумани.

Тиббиёт фанлари номзоди, шифокор Ф. Саидов жавоб беради:

Инсон танасида нормал сув мувозанатини сақлаб туриш учун зарур бўлган энг кам сув миқдори кунига 1,5 литрни ташкил этади (ҳаво ҳарорати 19 даражадан кўрсатганда). 26 даража иссиқликда кунига 1,9 литр сув, 32 даражали ҳароратда 3 литр сув тана эҳтиёжларини қоплайди).

Лекин шунинг ҳам ҳисобига олиш керакки, сув билан бирга кун давомида истеъмол қилинадиган турли шарбатлар, суяк таомлар, палов, қовурма каби қуюқ овқатлардаги «яширин» суяқликлар, шунингдек, мева ва сабзавотлардаги намликлар ҳам кунлик нормага қўшиб ҳисобланади.

Сув фақат ташқаридан танага кириб қолмай, овқат ҳазм қилиш жараёнида ҳам ҳосил бўлади. Масалан, юз грамм ҳайвон ёғи аниқ жараёнида 107 грамм сув ҳосил қилади. Юз грамм углеводлар – 35 грамм, шунча миқдордаги оксил моддалари 41 грамм сув ҳосил қилади.

Кунлик суяқлик истеъмол нормасини бажаришда қоридоғи ҳолатлар ҳисобга олиниши шарт. Аксинча фақат соф ҳолда ичилган сув билан нормани бажариб қўйсангиз, шифокор кўрсатмасини бузган бўласиз ва қутилган натижага эга бўлолмайсиз.

ҲАҚАМЛАР ДАРОМАДИ

Йўнгоҳларда энг масъулиятли футбол ўйинларини томоша қилаётганимизда ҳам, футбол майдонларидаги турли даражадаги учрашувларда ҳам ишқибозлар ҳақамларни масҳаралаб ёки тўғридан-тўғри ҳақорат қилиб қолишади. Кўпинча ноҳақ бундай ноҳушлиқларга чидашга тўғри келадиган бечора «хуш-такчилар» меҳнати қандай баҳоланади? Тузуккина даромад қилишадими?

Эгамберди Қурбонов,
талаба.

Халқаро футбол ҳақамлари уюшмаси маълумотларига қараганда, ҳақиқатан ҳам футбол ҳақамлари даромадларидан нолишмас буларкан, яъни улар кўп ҳолларда мўмайгина ҳақ олишаркан. Нима десангиз ҳам ҳақамларсиз ҳеч қандай футбол ўйини бўлмастми ҳақиқат-ку!

Далилларга мурожаат этадиган бўлсак, Испания чемпионати доирасидаги ўйинни бошқаргани учун бош ҳақам 3 минг евро оларкан. Худди шу миқдордаги ўйин учун Германияда бош ҳақамга 4,5 минг евро, Италияда 5 минг евро тўлашаркан.

Англияда бир ўйинни бошқаргани учун футбол арбитри 900 фунт стерлинг (1300 евро) ҳақ олади. Лекин бу мамлакатда бош ҳақамга йил якунида тахминан 100 минг евро афрофида муқофот ҳам топширилади.

Россияда бош ҳақам бир ўйиндаги иштироки учун 84 минг рубл, ёрдамчилари эса – 28 минг рублдан ҳақ олишади.

“Турк адабиёти тарихи” деб номланган илмий тўплам босмадан чиқди. Кўҳна адабиётнинг XIII-XVIII асрларга доир ижод намуналари ҳақида ҳикоя қилувчи бу янги нашр таниқли туркшунос олим Адхамбек Алимбековнинг кўп йиллик илмий изланиш маҳсули сифатида тақдим этилди.

Маънавият

Янги нашр

Тўпламда турк халқ оғзаки ижоди тўғрисида атрофлича маълумот берилган. Шунингдек турк адабиётининг “Олтин даври” сўз санъаткорларига бағишланган қисми ҳам қизиқчи билан ўқилади.

Янги тўплам турк ва ўзбек мунотоз адабиётларини қиёсий ўрганишда ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ақбар йўлдошев

Катра

МЕҲР ОЛОВИ

Қор ёғаяпти. Соғинган дўстим билан “ғарч-ғурч”лаб одимлаймиз. — Совуқ ҳам секин чимчиляпти? — дейди сўхбатдошим пальтосининг ёқаси билан кулогини беркитиб. — Бу совуқ совуқми? Сибир ва Камчаткада ҳарбий хизматда бўлганимда туфлаган тупугимиз ерга яхлаб тушарди. Яна қанча совуқларни кўрмади бу бош. Аммо бошқача бир совуққа қолганда чидаб бўлмаяпти, — юрагим орқамга тортиб, хўрсиниб қўяман. — Чукотка ё Тундраникими? Совуқнинг энг зўри ўша ерда-ку. — Айтаюқ, — дегандай менга боқди дўстим. — Агар 60 даража совуқ бўлгандаям ўзимни олдирмай,

риалларга шимиллиб, ундан ажралиши узок вақт давом этади. Симобнинг одамга таъсири бартараф этиш учун махсус ишлов — демеркуризация ўтказилади.

Кўчада синдирилган 1000 дона лампа Тошкент шаҳрига тегишли 75 фоиз худуднинг 3-қаватгача бўлган қатламини зарарлайди. Фақат рухсат этилган, яъни махсус технологик режимида, махсус жиҳозларда, махсус ишлаб чиқаришда лампаларни йўқотиб, унинг атроф-муҳитга зарарли таъсири 8500 марта камайтирилади. Бинобарин, сизнинг организмингизни симоб хавфидан халос этади.

Лампаларни синдирилган, ўзингизни ва яқинларингизни эҳтиёт қилинг. Ахлатхонага тушган лампалар эса, келажак авлодга, невараларингизга жуда салбий таъсир этиши мумкин. Ахир сиз буни хоҳламайсизку?

А.КАЛИМБЕТОВ,
Юнусобод тумани давлат ноziри

FUND FORUM. UZ

AMOLOT

TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI

O'zingni ko'rsat!

Olimp choqqisini zabt et!

Iqtidoringni namoyish et!

INTELLEKTUAL OLIMPIADA

20-27.02. 2006

Nima? Qachon? Qayerda? Breyng ring, Svoya igra, intellektual SMS, shashka, shaxmat va komp'yuter o'yinlari bo'yicha turli xil tanlovlar.

Qo'shimcha ma'lumotlar: "Kamolot" Yo'li tuman bo'limlarida

Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 523 йиллигига



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Одамлар одоб тўғрисида ташқи ва ички дунё ахлоқ кўзининг равшанлигини оширувчи сабаб, деб билганлар ва бу қимматли оқ йўлнинг отлиги бўлмай туриб иззат ва ҳурмат мартабасини идрок қабиласига етмаганлар.

Саодат мулкнинг йўлида доим бехатар юргай, Одобнинг ҳассаси бўлса кишининг кўлида ҳар дам! Бархурдор ибн МАҲМУД Хулқ гўзал бўлса, барча халқ севади, Хулқи тўғри бўлган киши тўғра чиқади. Бир кун Букротдан: — Одобли билан одобсизнинг ўртасидаги фарқ қандай? — деб сўрадилар.

— Гапирадиган ҳайвон билан гапирмайдиган ҳайвон орасидаги фарқ қаби, — деб жавоб берди Букрот. «ФАВОКИХ АЛ-ЖУЛАСО» Агар одам эсанг, сайр эт бу гулшанда абад бирла, Қадам ҳар сори кўй мулсифат ким гову ҳар густох, ОҒАҲИЙ

Кимки аслида бадумид этма, Ҳийшлик ул кишидан этма умид. АЛМАЙИЙ ХИКОЯТ. Одоб ҳазинасини юрагига жойлаган бир йигит бор эди. У ўз бахтини тополмай бир неча вақт сарсон-саргардонликда юрди. Кўнлардан бир кун Анушервоннинг ходимларидан бирининг хизматида кириб қолди. У ердаги қийинчилик ва мақру ҳайвонларнинг азобиға қанчалик бардош бермасин, бирор фойда кўрмади. Короня тунларни эса оғир хаёллар билан ўтказди. Байт:

Куннинг жамолни кўрай деганга, Тунда сабр қилмоқ ёлғиз чораси. Гавҳар қидирувчи меҳнатдан кўрска, Кўлига чикмағай дурнинг сараси!

Кўнлардан бир кун Анушервон ўз мулозимларидан: «Энг юмшоқ нарса нима?» — деб сўради. Биров: «Шоҳи», деб жавоб берди. Биров: «Товуқ патлари», деди. Яна бирови эса: «Шоҳидан ҳам юмшоқроқ нарса нима бўлиши мумкин?», деди. Шу пайтда ҳалиги йигит сарой тепасида турган эди. У мулозимларнинг жавобидан Анушервоннинг кўнгли тўлганганини кўриб, сўзлашга икзозат сўради. Икзозат бўлган деди: «Энг юмшоқ нарса тинчликдир!» Анушервон унга офарин айтди ва яна сўради: «Энг яхши овқат нима?» Йигит: «Шаҳвоний қувватни оширмайдиган ва тандани иллат қўзғатмайдиган овқат энг яхши овқатдир», деди. Яна сўради: «Энг яхши шароб қайси?» Йигит: «Ақлни зое қилмайдиган ва касаллик пайдо қилмайдигани», деб жавоб берди. Яна сўради: «Гуларнинг ичида энг ширин ҳидлиси қайси?» Йигит: «Ота-она тиркилигида уларни ҳурсанд қиладиган, ўлгандан кейин эса уларнинг номини боқийлаштирадиган ҳаёт гули бўлмиш фарзанд», деб жавоб берди.

Анушервон йигитни тақдирлади ва ўз ҳақимлари орасига олди. Байт:

Дон оқорликда қолса ҳам бир кун, Умиди ҳосилдан кўрсатар нишон. Мушкни кўр, либосга бекитилса ҳам, Хид сочиб ўзини қилур намоён!

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ Одоб — улғулик ва юксаклик қасрининг нарвони, бу нарвон орқали барча мақсад ва манзилга етиш мумкин. Шарм гулзоридан эса барча мудоаа гулини дастлаш мумкин. Латиф сирларнинг ҳақиқатини англовчилар ва ҳар қандай рамаз маъносини тадқиқ қилувчилар айтадиларки, одамийлик рисоласининг дарсларини ўқишга азм қилиб, бахтиёрлик кўчасига қадам қўювчи ҳар биринсонга, аввало, шарму одоб қондасини ёд қилмоқ шартдир. Токи бахт муаллимнинг йўлнамаси билан ҳаёт қонунининг илмини идрок қилишда билимли ва усту бўла олсинки, ҳақиқатан ҳам, инсоният учун одоб ажойиб тож ва одамийлик беэаги учун қимматбаҳо гавҳардир.

Бархурдор ибн МАҲМУД Дегул инсон десанг ани не ажаб, Бўлмаса қирқ яшарда ақлу адаб.

Сайфи САРОЙИ Одобли одам табиға ўхшайди, у билан сўхбатлашиш кўнглидаги гамини қувади.

«ОТАЛАР СЎЗИ» Бир кун халифа Маъмуно одоб билан сўзлаётган бир болдан: «Кимнинг ўғлисан?» деб сўради. Бола: «Одобнинг ўғлиман», деб жавоб берди. Бу жавобни эшитган Маъмуно: «Кандай чиройли отанг бор экан-а», деб унга тахсин ўқиди.

Муҳаммад ЗЕХНИЙ Улғаурсан, санда бор бўлса адаб, Улғаурсан, санга ёр ўрла адаб, Одам эрсанг, ташқи сурата берма зеб, Она юртингни ҳамиша айла зеб.

Анбар ОТИН Одоб бир булутки, унинг бир томчи ёмғири яхши кишиларнинг амал экинзорига ёқса, умид позисини абадий кўкаламзорга айлантиради ва яхши ном ҳосилдан фойда хирмонини барпо қиладди.

Бархурдор ибн МАҲМУД Отанг-онанг тарбиятига қил гузар, Хўлига айлаб назар, олғил хабар.

Самд КОСМИЙИ Ўзингдан кейингиларга ибрат бўлай десанг, ўзингдан илгарилардан ибрат ол.

«ОТАЛАР СЎЗИ» Ҳақиқий инсон ҳамиша илм ва ҳунар олишга интилади. Илм бир дарахт бўлса, одоб унинг мевасидир. Одобсиз олим мевасиз дарахтдир.

Муҳаммад ЗЕХНИЙ Ҳар бир киши касб-корни мукамал билимоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ-одоб, фазилатларга эга бўлмоғи керак.

Абу Наср ФАРОБИЙ Ҳикмат арбобларининг айтишларича, кишининг вужуд гули одоб ранги ва хидидан ҳоли бўлса, у киши одамлар назарида тикандек жору бекадр бўлади, халқ кўнгли у билан сўхбатлашишдан қолади ҳамда бегона-ошнорлар ундан юз ўгирадилар. Унинг аҳоли саҳифасига нафрат қалами билан узоқлик ва бегоналик белгисини қўядилар. Шунинг учун бешарм ва одобсиз кишилар давроннинг даққиси ва танбеҳидан ўзларининг овозлик қанотларини сингтан ҳолда кўрадилар ва уларнинг меҳру-муҳаббати ҳеч кимнинг дилига ҳеч қачон ўтирмайди.

Бархурдор ибн МАҲМУД Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган.



ҲАР КИМКИ, МЕНИ СЎРСА...

ҲИНД ХАЛҚИНИНГ МАШҲУР ДАВЛАТ АРБОБИ ЖАВОҲАРЛАЛ НЕРУ «ҲИНДИСТОННИНГ КАШФ ЭТИЛИШИ» ВА «ЖАҲОН ТАРИХИГА БИР НАЗАР» НОМЛИ АСАРЛАРИДА ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ВА БОБУРИЙЛАРГА ЮҚОРИ БАҲО БЕРГАН.

«Бобур энг донишманд ва дилбар шахслардан бири эди. Унда мазабый таассубдан, қолоқлик ва қиска фикрликдан асар ҳам йўқ эди. Бобур санъат ва адабиётни қўллаб-қувватлаган кишилардандир», — деб ёзган эди Неру.

Захириддин Муҳаммад Бобур 1483 йил 14 февралда Андижон Аҳсида дунёга келди. 1491 йил отаси Умаршайх Мирзо (Сохибқирон Темур ўғли Мироншоҳнинг ўғли Султон Муҳаммад Мирзо ўғли Султон Абу Саъид Мирзонинг ўғли) вафот этган, 11 ёшида Бобур тахтга ўтиради. Бир томондан темирлийларнинг ўзаор низолари, иккинчи тарафдан Шайбонийхоннинг бостириб келиши тақозоси билан Бобур 1503-1504 йилларда Қобулга юзланди ва уни эгаллади. Бобурнинг орзуси муайян тайёргарликлар кўриб, она юртини қайта қўлга киритиш эди. У 1526 йил Ҳиндистонга юриш қилди ва галаба қозонди.

— Ҳиндистонга Бобурнинг келиши, — деб ёзди Неру «Жаҳон тарихига бир назар» (кизи Индира Гандига қамоллардан ёзган хатлари) асарида, Ҳиндистондаги галабаси билан янги давр ва янги империя бошланди. Бу қудрат ва шўҳрат йилларида улуғ мўғуллар империяси (Неру бобурийлар сулоласини мўғуллар деб номлаган-С.Ф) довуғи бутун Осиё ва Европага тарқалди. Бобур адабиёт ва санъатга берилган... бор ва гуллари севад эди. У Аграни гўзал ва ҳашаматли пойтахтга айлантириб, бунёдкорлик фаолиятини бошлаб юборган эди. Неру алоҳида ҳусни рағбат билан «Бобурнома» ҳақида шундай деб ёзган эди: «... бу гўзал, мафтункор асар Бобурнинг пинҳон руҳияти оламга нигоҳни қадаш имконини берди».

Ана шу «Бобурнома»да шoir Бобур қачон, қандай вазиятларда қайси шеърлари битилганини қайд этиб ўтган. 1498-1499 йил Самарқанд ва Андижонни янгидан қўлга киритиш тарафдорига юрган Бобур хасталаниб қолади. Шу ҳолатда у Хўжанд ва Уратепаларда саргардон юради:

Бормоққа не маскан муяссар, Турмоққа не давлат муқаррар. 1500-1501 йил Самарқанд кўлдан кетади. Бобур Фон тоғларидан Ҳисор сари отланади. Фон навоҳийсининг ҳукмдори ва Хурсавшоддан ҳурмат, муруват кўрмагач, Бобур афсус чекиб, «бизни кўзга илмайди» дейди ва ҳаёлидан қўйиладди байт утади:

Шифокор огоҳлантиради ПАРРАНДА ГРИППИ ҲАҚИДА НИМА БИЛАСИЗ?

ПАРРАНДА ГРИППИ — ГРИПП ВИРУСИ ҚЎЗГАТАДИГАН, АСОСАН ПАРРАНДАЛАРДА, ШУНИНГДЕК, ОДАМДА ВА БАЪЗИ БИР ҲАЙВОНЛАРДА УЧРАЙДИГАН, ОДАМДА ЮҚОРИ НАФАС ЙЎЛЛАРИНИНГ ЯЛЛИГЛАНИШИ, ТАНА ҲАРОРАТИНИНГ КЎТАРИЛИШИ, АЙРИМ ҲОЛЛАРДА ДИАРЕЯ (ИЧ КЕТИШ) АЛОМАТЛАРИ ҲАМДА ОРГАНИЗМНИНГ УМУМИЙ ЗАҲАРЛАНИШИ (ИНТОКСИКАЦИЯ) БИЛАН КЕЧАДИГАН ЮҚОРИ КОНТАГИОЗЛИ ЗООАНТРОПОНОЗ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИҚДИР.

Бу касалликка уй паррандаларидан товук ва қурқалар кўпроқ мойил бўлади, уларда касаллик жуда оғир кечади. Яқин йилларда парранда гриппи уй паррандаларини ўртасида камдан кам ҳолларда учраган. Охириги 40 йил давомида (1997 йилгача) паррандалар ўртасида бу касалликнинг 17 та кичик-кичик эпизоотиялари қайд этилганлиги маълум бўлган. 1997 йилдан бошлаб эса парранда гриппининг эпизоотия кўлами борган сари кенгайиб бормоқда. Одамлар ўртасида парранда гриппининг биринчи оммавий тусда қайд этилиши Гонконгда 1997 йилнинг март-май ойларида кузатилган. У ерда 1,5 минг парранданинги йўқотилиши, бу касалликни одамлар ўртасида қайд этилишининг олдини олган. Парранда гриппи одатда паррандаларда учрайди ва паррандалар ўртасида эпизоотия тарихида тарқалади. Унинг эпизоотияси паррандалар ўртасида биринчи марта Корёяда, кейин Японияда кузатилган. Парранда гриппининг паррандалар ўртасидаги эпизоотияси бугунги кунда ҳам давом этмоқда. 2005 йилнинг июнь ойида парранда гриппи Россия ва Қозоғистон давлатлари ҳудудларига ҳам кириб келди ҳамда бу касалликнинг республикамиз ҳудудига тарқалиш хавфи янада ошди. Россиянинг бир қатор вилоятлари ҳамда Олтой ўлкасида парранда гриппининг эпизоотияси давом этмоқда. Парранда гриппи Мўғулистоннинг Россия билан chegarados ҳудудларида учиб ўтаётган ёввойи паррандалар ўртасида ҳам аниқланган.

Бугунги кунда Жануби-шарқий Осиё давлатларида, Вьетнамда, Таиландда, Камбоджада, Индонезияда ҳамда Туркияда парранда гриппи билан касалланган одамлар ўртасида ҳам қайд этилган. Парранда гриппини «А» турдаги гриппи вируси қўзғатади. Одам учун касалликнинг манбаи парранда гриппи касаллигига чалинган паррандалар ҳисобланади. Барча парранда гриппи вируси турларининг резервуарлари сувда сузувчи паррандалар ҳисобланади. Сувда сузувчи паррандалар вирусни ичигада сақлайди ва ташқи муҳитга сулагни, ахлати ҳамда нафас йўлларида чиқаридиган шиллиқлар орқали чиқаради. Парранда гриппининг одамдан одамга ва одамдан паррандага юқиши исботланмаган.

Шу пайтгача одамларда қайд этилган барча парранда гриппи хасталигининг бевосита паррандалар билан боғлиқлиги аниқланган. Бугунги кунда бу касаллик одамга паррандалардан мулоқот йўли, яъни юқори нафас йўллари орқали яхво-чанг йўли билан юқиши, бундан ташқари термик ишлов берилмаган парранда гўшти ва туҳумини истеъмол қилиш натижасида алиментар йўл билан ҳам юқиши мумкин деган тахминлар бор. Парранда гриппининг тарқалишида айрим миллатларнинг қадимий урф-одатлари ҳам маълум даражада роль ўйнаши мумкин. (Хитойда янги сўйилган товук қонини ичиш одати бор).

Одамда қайд этиладиган парранда гриппининг яширин даври бир неча соатдан 2-4 кунгача давом этади. Касаллик тана ҳароратининг кўтарилиши (38° ва юқори), ҳансираш ва йўтал билан бошланади. Парранда гриппининг клиник аломатлари одамда учрайдиган одатдаги грипп касалигига ўхшаб кетади (тана ҳароратининг кўтарилиши, нафас олишининг қийинлашиши, томоқда ва мушакларда оғриқ). Парранда гриппи билан касалланган 50 фоиз беморларда диарея (ич кетиш) аломатлари қайд этилади, ва касаллик бу аломати билан одатдаги грипп хасталигидан фарқ қиладди. Касаллик баъзи ҳолларда конъюнктивит шаклида учраб, жуда оғир ўтиши ҳам мумкин. Вирус одам организмига тушадиган

Ким кўрубтур, эй кўнгул, ахли жаҳондин яхшилиг, Кимки андин яхши йўқ, кўз тутма андин яхшилиг.

1501-1502 йил Бобур Масчодан қуйроқда Оббурданд деган қишлоқ яқинида бир чашмани таърифлади. Унинг бошидаги тошга форсийда ёзилган уч байтчи шу ёрликлар расми билан каздиради.

Бобур Масчода эканида Ҳисор тарафидан бир Мулло Ҳижрий деган шoir келиб, унга мулозамат қиладди. Уша пайтларда қуйидаги матлаъ айтилган эди:

Тақаллуф ҳар неча сурат тутулса, ондин ортуксен, Сени жон дерлар, аммо бетакаллуф жондин ортуксен.

Шу йили қурбон ҳайитида Бобур Шохруҳияда бўлади. Кейин Тошкентга келади. Қуйидаги рубоийсини хонга кўрсатиб, қофиясида кўнгли тўлганганини айтиб, унинг фикрини билмоқчи истади. Лекин дурустроқ жавоб ола олмайди:

Ёд этмас эмиш кишини меҳнатда киши, Шод этмас эмиш кўнгулни гурбатда киши, Кўнгул бу ғариблиқда шод ўлмади ҳеч,

Гурбатда севинмас эмиш, албатта киши.

1501-1502 йил Бобур Тошкентга хон дадаси Юнусхон ва қариндошларини қўришга келади. Яна Шайбонийхон таҳдиди кучаяди, яна саргардонликлар бошланади. Шунда Бобур:

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим, Кўнгулудин ўзга махрами асрор топмадим, деб ёзди.

1506-1507 йил Бобур Чоштуба, Гулбахор деган жойларга сайр қиладди. Лозазорда лолаларни санатса, 34 хили бор экан. У қуйидаги матлаъли газалини ёзди:

Менин кўнгулми, гулнинг гунчасидек таҳ-батах қондур, Агар юз минг баҳор ўлса, очилмоғи не имкандур.

Шу йили Бобур Ҳусайн Бойқаронинг ўғиллари Бадиуззамон Мирзо, Абулмуҳсин Мирзо, Ибни Ҳусайн Мирзо, Музаффар Мирзо ва бошқалар билан Шайбонийхонга

қарши курашиш режаларини тузиш учун Ҳиротга боради. 20 кун Алишер Навоий яшаган уйи — «Унсия»да туради, кўрмаган жойларини кўради. Жомий ва Навоий ҳамда бошқа улғур макбара, қабрларини зиёрат қиладди. Қиш қаттиқ тушиб, қалин қор ёққани сабабли асосий мақсадни баҳорга қолдириб, Бобур қишлаш учун Қобулга равона бўлади. Шайбонийнинг 7-кунини — 23 декабрда Бобур ва йигитлари тоғ йўли билан кетаётганда қор янада қалинлашади, йўлдан адашадилар ҳам. Бота-бота қор тепаиб, совуқда қийналиб қолганларида атрофдагилар Бобурга панароқ жой тақлиф қилганларида у «Марг бо ёрон сур аст» (Яъни, дўстлар билан бирга ўлмоқ-тўйдир) масали бордир, деб қор остида ва совуқда тонг оттиради. Шунда Бобур ўзининг машҳур газалларидан бирининг матлаъини айтган эди:

Чархнинг мен кўрмаган жабура жафоси қолдимур? Хаства кўнгулм чекмаган дарду балоси қолдимур?

1509-1510 йил Бобур Самарқанддан келган, Ҳофиз Жубайр қотибнинг оға-инилари қайтишга рухсат сўраганларида Фўлод Султонга девонини юборганини ва девони орқасига қуйидаги қитъани ёзиб қўйганини айтди:

Ул сарвининг ҳаримиға гар етсанг, эй сабо, Бергил бу ҳажр хастасидин ёд кўнглиға.

Раҳм айлабон соғинмади Бобурни, бор умид.

Солғай Худой раҳми Фўлод кўнглиға. Бу қитъада гўзал бир лутф санъати ишлатилган. Фўлод ҳам исм, ҳам кўнглининг пўлатдек қаттиқлигини англатади.

Фикримизча, Фўлод исми шахс Алишер Навоийнинг жиғини Ҳайдар Сабҳуҳийнинг ўғлидир. Ҳасан Нисорийнинг таъкирасида у Фўлодхожа деб берилди.

1528 йил Бобур иситма касали билан оғриб қолади. 25-26 кун ҳам уйқусизлик, ҳам ташналиқдан азоб чекади. Шу вақтда 3-4 рубоий ёзади. Бири будир:

Жисимда иситма кунда маҳкам бўладур, Кўздин ўчадур уйку чу охшом бўладур.

Ҳар иккалса гамим била сабримдек, Боргон сайи бу ортадур, ул кам бўладур.

«Бобурнома»да келтирилган маълум матлаъларнинг аксарияти Бобур девонида газал таркибиде берилган. Улардаги фикр ва мудоаолар, орзу ва ўқинчлар шoirнинг руҳий оламига олиб қиради.

Бобурнинг ўз авлодлари, мухлисларига йўллаган рубоийсини келтирсак: Эй эл, бунб ахборға номини дегил, Ҳар ким мени билса, бу каломини дегил, Мендин демагил гар унутилган бўлсам, Ҳар кимки, мени сўрса, саломини дегил. Суйимма ҒАНИЕВА

ИЗЛАНИШЛАР ЯХШИ БАҲОЛАНДИ

ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИНИНГ УЛКАН НАМОЯНДАСИ ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ИЖОДИ ЖАҲОН АДАБИЁТИДА САЛМОҚЛИ ҲАМ УНИНГ БЕБАҲО МЕРОСИ КАТТА ҲУРМАТ БИЛАН ҲЎРГАНИЛМОҚДА.

Россияда ҳам улғу шoir ижодиға кизиктиш ортоқма. Буни москвалик профессор Галина Благова илмий изланишлари мисолида ҳам қўриш мумкин. Олима Бобурнинг машҳур асари «Бобурнома» устида ҳам самарали иш олиб борди.

Бобур адабий меросини ўрганишга узгача меҳр қўйган бу олима ўзининг номзодлик диссертациясини «Бобурнома»нинг тил ҳусусиятлари» деган мавзуда ҳимоя қилди. Бу илмий жараёни давом эттириб профессор иккита тўпланми босмага тайёрлади. «Бобурнома» матни, асар услуби, эски ўзбек тилининг шаклланиши тарихи» деб номланган рисола айниқса кенг оммалашди. Бобур тўғрисидаги тадқиқотлари жамланган бу тўпланм шoir ижодини маҳорат билан ёритувчи нашр сифатида ҳам қимматлидир.

«Бобурнома»нинг Россияда ўрганилиши тарихига оид изланишлар олиманинг навбатдаги китобида ўз ифодасини топти. Унда мазкур асарнинг турли нусхаларини қиёсий ўрганиб, унинг юксак савияда ёзилганлиги исботланди.

Бундан ташқари рус тадқиқотчиси Бобур ижодиға қўчурроқ ёндашиш мақсадида турли тарихий манбаларни ўрганди. Академик А.Самойлович архивга муражаат этиб, «Бобурнома»га оид янги маълумотлар билан танишди.

Шунингдек, у «Бобурнома»нинг инглиз олими Анна Беверидж таржимаси ҳусусида ҳам тақриз ёзди. Бу илмий иш ҳам юқорида тилга олинган илмий тўпланмдан жой олди.

Бобур ижодининг рус тадқиқотчиси Галина Благованинг бу изланишлари россиялик адабиётшунос олимлар томонидан яхши баҳоланди.

Ақбар АЛИЕВ

15 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНА ШУНДА — БУГҮН ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ОМАДИ ЮРИШАДИГАН КҮН ЭКАН. АМАЛИЙ УЧРАШУВЛАР, МУЗОКАРАЛАР, ТУЗИЛАЖАК БИТИМЛАР ХАЙРЛИ БЎЛАДИ. БУГҮН КЕЛИШИБ ОЛИНГАН, БЕЛГИЛАНГАН ҲАММА НАРСА УЗОҚ МУДДАТЛИ ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР БЕРАДИ.

Мунажжим башорати ТАДБИРКОРЛАР УЧУН АЖОЙИБ КҮН

Бизнес оламида ҳам, ижодда ҳам, шахсий ҳаётда ҳам аниқ амалий қадамлар қўйиш шарт. Келишилмаган режалар, лохилхалр эса қозғалдиғича қолиб кетаверади. Бундан кейин уларга ёпишиб олишдан фойда йўқ. Муаммолар енгил ҳал бўлишига ҳам умид боғламанг. Шунинг учун бугун бутун кун-иродангизни ишга солинг. Шунга яраша тақдир туҳфасига сазовор бўласиз.

Шулар ҳақида ҳикоя қиларкан, мунажжим Света Денъ, бугунги кун воқеа-ҳодисалари асосида келажак истиқболлари ҳақида мушоаҳада юришиш мумкин дейди. Унинг фикрича, ҳар биримизни ўраб турган воқелик ички мазмун-моҳиятимиз аксидир. Г.Магнолия эса, кун воқеликлари нуксон-камчиликларимиз ифодаси, дея таърифи берибди.

Олдизлар ҳисобчиси Лидия Неведомская баъдий ижод учун бугунги куннинг қулайлиги ҳақида фикр юртади. Лаззатли таомлар тайёрлаш ва дастурхонини чиройли безаш борасида ҳам бугун муваффақиятли кун ҳисобланаркан. Бугун бажарилган дизайнерлик ишланмалари ҳам гоёлардаги янгилик ва услубнинг мукамаллиги билан қўччиликни қувонтириши кутилади.

Бугунги аломатларнинг ҳаммаси майда-чуйдалар билан боғлиқ бўлади. Тасодифан устингиз сув тўкилиши сизга келадиган қумак ва ҳимовдан хабардир. Ёмғирда қолиб кетиш ҳам ҳосиятли ҳисобланади. Доннинг ёки маржонларнинг сочилиб кетиши, зирак ёки узқунинг думлаиб кетиши, иннинг узилиши ва шунга ўхшаш майда-чуйдалар йўқотишлар ва синовлардан огоҳлантиришидир.

Бу кеча қўриладиган тўшлар кўп ҳам ҳурсан-қилки келтириши кутилмайди. Ягона яхши туш — бу ўзини ёмғирда шалаббо бўлган ҳолда ёки сувда сузиб кетаётган ҳолда қўришидир. Буйрақлар ва пешоб йўллари бугун заиф бўлади, моддалар алмашуви ҳамда эндокрин тизими хасталиклари зўрайиши эҳтимоли бор.

Қизилга оид ранглар уйғунлигида ҳамда очик сарик-яшил ранглардаги қиймлар бугунги куннингизга чирой ва омад бахш этади. Қора, қуранг ва жигарранг либослардан бугунча воз кечганингиз маъқул.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 5218 нусxada босилади. Қозғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бoшқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563